


*Fidoyilik – Vatanga xizmat demak!*

# Zarafshon

www.zarnews.uz
https://www.facebook.com/zarnews.uz
@zarnews_uz
https://twitter.com/zarnews_uz

1913-yil aprel oyidan chiqa boshlagan

zarafshonbot

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг

2021-yil 19-iyun, shanba, 71 (23.507)-son


**Кун ҳикмати**

Мансабни фақат ваколат деб билиш раҳбарга обрў келтирмайди

<u>*Самарқанд вилояти ҳокимининг ҚАРОРИ*</u>

## ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ ОЛТИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎТТИЗ БЕШИНЧИ СЕССИЯСИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

*“Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17-моддасига асосан*
**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгашининг олтинчи чақириқ ўттиз бешинчи сессияси **2021 йил 25 июнь куни соат 9:00 да** чақирилсин.

2. Сессия кун тартибига қуйидаги масалалар киритилсин:

- вилоят ҳокимининг ўринбосари А.Шукуровнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2021 йил 2 апрелдаги “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурларини амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5048-сонли қарори ижросини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар аҳволи юзасидан ҳисоботи;

- “Самарқанд ҳудудий электр тармоқлари корхонаси” акциядорлик жамияти директори Ғ.Маматқуловнинг вилоят аҳолисини узлуксиз электр энергияси билан таъминлаш борасида олиб борилаётган ишлар аҳволи юзасидан халқ депутатлари вилоят Кенгашининг 2020 йил 23 октябрдаги 100/15-сонли қарори ижроси бўйича ҳисоботи;

- Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси Самарқанд вилояти бошқармаси бошлиғи А.Закировнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2020 йил 24 ноябрдаги “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6118-сонли Фармони ижроси юзасидан амалга оширилаётган ишлар тўғрисидаги ҳисоботи;

- бошқа масалалар.

3. Мазкур қарор оммавий ахборот воситаларида эълон қилинсин.

**Вилоят ҳокими** **Э. ТУРДИМОВ**

*2021 йил 17 июнь* *№ 123-Қ*







# Суд-ҳуқуқ тизимига оид мурожаатлар

## Республика раҳбарияти томонидан ўрганилди

**Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Бахтиёр Исламов раҳбарлигидаги ишчи гуруҳ вилоятимизга ташриф буюриб, аҳолининг дардига қулоқ тутди ва жойларда оммавий қабуллар ўтказди.**

Фуқароларнинг суд-ҳуқуқ соҳасидаги мурожаатларига самарали ечим топиш учун янада қулай шароит яратиш мақсадида ташкил этилган ушбу тадбирларда Президент Администрацияси, Халқ қабулхоналари, Олий суд, Судьялар Олий Кенгаши, Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги раҳбар ходимлари мурожаатчиларнинг ҳар бир муаммосини тинглади.

Бундай мулоқот дастлаб Самарқанд шаҳридаги Ёшлар марказида ташкил этилди. Унда Самарқанд шаҳридан ташқари, Паст Дарғом, Нуробод ва Самарқанд туманидан жисмоний ва юридик шахслар иштирок этди.

- Жойларда муаммолар йўқ эмас, бор, - дейди Судьялар кенгаши раиси Холмўмин Ёдгоров. - Бу табиий жараён, аммо уни ҳал қилиш учун давлатимиз раҳбари таъкидлаганларидек, жойларда бугунгидай мулоқотлар узлуксизлиги доимий диққат марказимизда бўлиши шарт. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, ўтказилаётган сайёр қабулларда мурожаатлар сони камайиб бормоқда. Бунда албатта, олиб борилаётган ислоҳотлар, яратилаётган шароитлар ҳам муҳим рол ўйнамоқда. Мисол учун, Давлат хизматлари марказларининг ташкил этилиши ҳам турли сарсонгарчилик, бюрократик тўсиқлар оқибатида юзага келадиган мурожаатларни кескин қисқартирди.

Умуман, қабулларга келаётган мурожаатчиларни шартли равишда бир неча тоифага бўлиш мумкин. Бу биринчидан, кам миқдорда бўлса-да, дардини айтиб енгил тортадиган ёки масаласи юзасидан республика раҳбариятининг фикрини эшитишни истайдиганлардир. Иккинчи тоифа эса чиндан муаммога рўбарў келган, тақдир тақозоси билан қийинчиликка учраган жисмоний ёки юридик шахслардир. Айни мана шу тоифа ичида ҳуқуқий билим ва тушунчаси кам бўлганлари ҳам борки, бу бизнинг олдимизга алоҳида бир масала – тушунтириш-тарғибот ишларини кучайтириш заруратини қўяди.

Учинчи тоифа мурожаатчиларни биз барибир рози қилолмаслигимизни алоҳида қайд этиш лозим. Негаки, уларнинг муаммосини ҳал қилиш учун мутасаддилар қонунни ёки адолат тамойилларини бузишларига тўғри келади. Негаки, улар ўз манфаатлари йўлида ноқонуний талабларни қўйишади.

Таъкидлаш ўринлики, ташриф буюрган мутасаддилар ҳар бир мурожаатда айтилган масалани соҳага дахлдорлар иштирокида очиқ-ошкора, муҳими, атрофлича муҳокама қилди. Шу боис, ижтимоий-иқтисодий соҳага оид муаммоли масала ва шикоятларнинг кўп қисми шу жойнинг ўзида вилоятдаги мутасадди ташкилот ходимлари зиммасига юклатилиб ҳал қилинди.

Ўнлаб мурожаатчининг ишини Олий судга тақдим қилиш белгилангани шунча фуқаронинг вақт ва маблағ сарфлаб пойтахтга келиб-кетишининг олдини олди. Асосийси, улар мазкур ишлар билан боғлиқ барча саволлар юзасидан Олий суд масъуллари билан юзма-юз гаплашиб олди.

Бош прокуратура мутасаддилари кўриб чиққан масалаларнинг ҳам муайян қисми жойида ҳал қилинди.

- Масалангизни вилоят прокурори ўрганади ёки бошқа бир мутасаддига тақдим қилинади, десак бундан руҳиятингиз тушмасин, - деди Бош прокурор ўринбосари Шуҳрат Узоқов. - Негаки, қабулга келиб тушган ҳар бир мурожаат қонунда белгиланган муддатда кўриб чиқилиши Президент Администрацияси томонидан қатъий назоратга олинади. Қайсики, жойлардаги мутасаддиларнинг масъулиятсизлиги ёки бошқа сабаблар билан қонун бузилишига ва адолатсизликка йўл қўйилмайди.

Қабул давомида Ички ишлар вазирлиги масъуллари томонидан ҳам ўнлаб мурожаатлар кўриб чиқилди.

Оммавий қабулда вилоят ҳокими Э.Турдимов иштирок этди.

* * *

Худди шундай оммавий қабуллар Каттақўрғон (Каттақўрғон, Нарпай, Пахтачи туманлари ва Каттақўрғон шаҳри аҳолиси учун), Оқдарё (Оқдарё, Пайариқ, Иштихон ва Қўшработ туманлари аҳолиси учун) ва Тойлоқ (Тойлоқ, Жомбой, Булунғур ва Ургут туманлари аҳолиси учун) туманларида ҳам ташкил этилди.

**Ё.МАРҚАЕВ.**

**Маълумотларга кўра, бугун вилоятимизда 448 та балиқчилик хўжалиги бор. Уларнинг 443 таси 1957 гектар сунъий сув ҳавзаларида ва 5 та ижарачи корхоналар 7987 гектар табиий сув ҳавзаларида иш олиб боради.**

# Вилоятимизда 30 минг тонна “ЛУҚМАИ ҲАЛОЛ” етиштирилади



2020 йилда вилоятда 20 минг тонна балиқ етиштирилди. Шунингдек, ўтган йил давомида умумий қиймати 45,4 миллиард сўм бўлган 29 та янги балиқчилик лойиҳалари амалга оширилди.

2021 йилда вилоятимизда балиқ етиштириш ҳажмини 30 минг тоннага етказиш режалаштирилмоқда.

Бу маълумотлар “Ўзбекбалиқсаноат” уюшмаси томонидан журналистлар ва блогерлар учун Самарқанддаги балиқчилик хўжаликларига уюштирилган пресс-тур давомида билдирилди.

Пресс-турнинг биринчи манзили "Каттақўрғон жайҳуни" фермер хўжалиги бўлди.

Каттақўрғон тумани Кўкча қишлоғи ҳудудида жойлашган ушбу фермер хўжалиги 2009 йилда ташкил этилган. Бу ерда 40 гектар сунъий, 1300 гектар табиий сув ҳавзасида балиқ етиштириб келинмоқда. Хўжаликда асосан, “Сазан”, “Оқ амур”, Оқ ва қора дўнгпешона, “Карас” ҳамда “Усач” балиқлари боқилади.

- Балиқчилик кластер хўжалигимизда қуввати 50 миллион дона бўлган балиқ личинкаларини ишлаб чиқарувчи инкубация цехини ишга туширдик, - дейди хўжалик раҳбари Собир Йўлдошев. - 25 гектар майдонда балиқ чавоқлари етиштирилувчи репродуктор ҳавза, балиқни қайта ишловчи 50 тонна қувватли филе цехи, балиқ ва балиқ маҳсулотлари сақланадиган 200 тонналик музлаткич ҳамда 500 тонна балиқ озуқасини ишлаб чиқарувчи корхонамиз мавжуд.

Мазкур балиқчилик хўжалигида мавсумий 18, доимий 8 нафар ишчи ишлайди. Хўжалик томонидан 2020 йилда 1,8 тонна балиқ етиштирилди ва кўрсаткичларни янада ривожлантириш учун 151 миллион сўм субсидия ажратилди.

Пресс-тур иштирокчилари Паст Дарғом туманидаги “Пўлат балиқ” масъулияти чекланган жамияти фаолияти билан ҳам танишди. 2012 йилда ташкил топган жамият 14 гектар сунъий ҳавзада ярим интенсив ва интенсив (ёпиқ сув айланма тизими) усулда “Сазан”, “Африка лаққаси”, “Оқ амур”, “Оқ дўнгпешона” ҳамда “Тиляпия” балиқларини етиштириб келмоқда.

Ушбу кластерда ҳозирда 30 миллион дона балиқ личинкаларини ишлаб чиқарувчи инкубация цехи, балиқ чавоқларини етиштирувчи 5 гектар репродуктор ҳавза, балиқни ярим тайёр ҳолда қайта ишловчи 50 тонна қувватли цех ҳамда 350 тонна қувватда балиқ озуқасини ишлаб чиқарувчи корхоналар мавжуд. Хўжалик томонидан 2020 йилда 110 тонна балиқ етиштирилган ҳамда 67 миллион сўм субсидия олинган.

**Тўлқин СИДДИҚОВ,**
**Бахтиёр МУСТАНОВ (фото).**

# ҲОКИМЛАР: Биргина тикув машинаси билан оилани камбағалликдан чиқариб бўлмайди

**Бу галги матбуот анжумани бир эмас, уч туман ҳокими иштирокида, аммо бир масала юзасидан ўтказилди. Самарқанд, Булунғур, Жомбой тумани ҳокимлари иштирокида ташкил этилган анжуманда «Темир», «Ёшлар», «Аёллар» дафтарига киритилган аҳолига кўрсатилган ёрдам, уларнинг бандлигини таъминлаш йўлида амалга оширилган ишлар юзасидан фикрлар билдирилди.**

Самарқанд тумани ҳокими Н.Мавлонов, Булунғур тумани ҳокими Б.Баҳромов, Жомбой тумани ҳокими Қ.Собиров туманда ушбу масалада олиб борилган ишларга доир ҳолатларни тақдим этар экан, уларнинг фикрларида умумий муштарак жиҳатлар ҳам бор эди.

- Дейлик 104 та тикув машинкаси, 49 дона пишириқ печи, 22 дона мотопила, 4 дона сартарошлик ускунаси, 2 дона ноутбук ва бошқа шунга ўхшаш ускуналар тарқатиш билан аҳолини камбағалликдан чиқариш жуда қийин, - дейди Б.Баҳромов. – Уларга комплекс ёндашув лозим. Ёки, ёшларга ер тарқатиб бериш билан улар бирор натижага эга бўла олмайди. Масалага ёндашувда ҳаммасини ҳисобга олиб, қизиқишлардан тортиб, имкониятлари, маҳсулот хом ашёси-ю, харидори каби масалаларга ҳам қизиқиб кўряпмиз.

- Самарқанд тумани деҳқончилиги, томорқасидан миллионлаб даромад топаётган одамлари билан машҳур, - дейди Н.Мавлонов. – Шундай оилаларни дафтардаги оилаларга бириктириб қўйиш йўлини ҳам синаб кўраяпмиз. Зарур моддий ёрдамлар, иш бошлайман деганга ускуналар тарқатилиши билангина оила ўзини ўнглай ололмайди, албатта.

- 11 та кичик саноат зонамиз мавжуд бўлса-да, аммо барча аҳолини тўлиқ ушбу корхоналардаги ишга қамраб олишнинг имкони йўқ, - дейди Қ.Собиров. – Аҳолига даромад топиш манбаларини кўрсатишимиз, уларга бу масалада ёрдам беришимиз лозим. Банк қошида «Ғоялар фабрикаси» ташкил этдик ва бу орқали кичик бўлса-да, кунлик даромадга эга бўлиш имконига эга бўлган соҳалар ҳақида маълумотлар тайёрланди ҳамда амалиётга татбиқ этилмоқда.



Анжуман давомида вилоят оммавий ахборот воситалари ходимлари мазкур масала бўйича ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олди.

**Гулруҳ МЎМИНОВА.**

# Ер участкалари ажратишда

## тенг, шаффоф ва бозор тамойилларига асосланган тартиб жорий этилади

**Вилоят адлия бошқармаси ташаббуси билан ташкил этилган матбуот анжуманида Президентимизнинг “Ер муносабатларида тенглик ва шаффофликни таъминлаш, ерга бўлган ҳуқуқларни ишончли ҳимоя қилиш ва уларни бозор активига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони мазмун-моҳияти ва аҳамияти ҳақида сўз юритилди.**

Қайд қилинганидек, фармонда ерга оид мулкий ва ҳуқуқий муносабатларда барқарорликни таъминлаш, ернинг иқтисодий қийматини белгилаш орқали уни фуқаролик ҳуқуқий муомаласининг объекти сифатида эркин муомалага киритиш кўзда тутилган.

- Жорий йил 1 августдан ер участкалари хусусий секторга мулк ва ижара ҳуқуқи, давлат ташкилотларига доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида ажратилади, - дейди вилоят адлия бошқармаси бошлиғи ўринбосари Жаҳонгир Зоҳидов. - Энди қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар очиқ электрон танлов орқали фақат ижара ҳуқуқи, қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар эса мулк ҳуқуқи ва ижара ҳуқуқи асосида электрон онлайн-аукцион орқали реализация қилинади.

Барча ҳолларда ер участкалари фақат бўш турган ва захирага олинган ерлардан ажратилади.

Муҳими, энди давлат ҳокимияти органларининг ер участкаларини тўғридан-тўғри ажратиши ёки бошқача тарзда имтиёз ва истиснолар белгилаш ташаббуси билан чиқиши тақиқланади.

Матбуот анжуманида қатнашган вилоят прокурорининг ўринбосари Сирожиддин Усманов «Ер тўғрисида»ги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик бўйича маъруза қилди.

Хусусан, вилоят прокуратураси органлари томонидан ўтказилган назорат тадбирларида 2020 йил ва жорий йилнинг ўтган даврида 3311 та ҳолатда 2166 гектар ер майдонини ўзбошимчалик билан эгаллаш ҳолатлари аниқланган.

Фуқаролар томонидан 8300 та ҳолатда 1240 гектар ер майдонида ноқонуний қурилишлар қилинганлиги аниқланиб, 1250 та ҳолатда 320 гектар ноқонуний қурилмалар буздирилган.

Ер майдонларини талон-торож қилиш ҳолатлари юзасидан 80 та жиноят иши қўзғатилган. Шунингдек, 286 нафар мансабдор шахслар қонун бузилишига йўл қўймаслик ҳақида огоҳлантирилган, 16 нафар шахс интизомий ва 87 нафар шахс маъмурий жавобгарликка тортилган.

Бундан ташқари, вилоятда 127 та ҳолатда ноқишлоқ хўжалиги мақсадлари учун ажратилган 1753 гектар ер майдонига 20 миллиард сўм нобудгарчилик ўрни ҳисобланиб, 13 миллиард сўми ундирилган, 12 та ҳолатда 7 миллиард сўмни ундириш ҳақида судларга даъво аризалари киритилган.

Анжуманда таъкидланганидек, фармон билан «Ер тўғрисида»ги қонун бузилиши ҳолатларини барвақт аниқлаш ва уларнинг олдини олишга қаратилган фаолиятни мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши ва жойларда ҳудудий кенгашлар (ишчи орган – прокуратура) ташкил этилди.

Энди кадастр органлари ердан мақсадсиз фойдаланишни аниқлаганда ушбу ерга бўлган ҳуқуқни бекор қилиш, ноқонуний қурилган иморатларни бартараф этиш юзасидан тўғридан-тўғри судга мурожаат қилишлари мумкин.

Ўзаро мулоқот давомида фармон ижросини ташкил этиш, умуман, ер тўғрисидаги қонун ҳужжатлари юзасидан журналистларни қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб қайтарилди.

**Ўз мухбиримиз.**

# Қишлоқ аёллари турмушидан розими?

**Узоққа бормайлик, бундан ўн йил аввал ҳам фуқаролар мурожаатлари бу қадар кўп эмасди. Бугун қайси идорага борманг, мурожаат учун келган аҳолининг навбат кутиб турганини кўрасиз. Бу нимадан далолат: турмушимиз мураккаблашиб бораётганиданми, аҳоли ўз ҳуқуқини англаб етаётганиданми ёки боқимандалик кучайиб кетаётганиданми?**

### БАРЧА МАСАЛАДА АЁЛЛАР МУРОЖААТ ҚИЛАДИГАН БЎЛГАН

- Мурожаатчиларнинг асосий қисми аёллар, - дейди Тойлоқ тумани ҳокимининг хотин-қизлар масалалари бўйича маслаҳатчиси Мўътабар Йўлдошева. – Йўл, қурилиш, сув, газ, электр энергияси муаммолари бўйича ҳам аёллар мурожаат қиладиган бўлган. Масъулиятни эркаклар зиммасига олиши керак. Асрий анъаналаримиз, қадриятларимиз, ёзилмаган қонунларимиз унут бўлиб бормоқда. Афсусланарлиси, уйдаги гап кўчага чиқиб, бир вақтлар қўшнидан ҳам сир тутилган масалалар одамлар орасида муҳокама бўляпти.

Опанинг гапи бир зумда ўз исботини топди. Унинг ҳузурига келган келинчак: "Қайнонамга бас келолмаяпман, шунинг учун оилам бузиляпти", деб арз қилди. "Қайнонага бас келиб бўлмайди, унга ён бериш, дуосини олиш орқали оилангизни сақлаб қоласиз", деб маслаҳат берди Мўътабар опа.

Кейинги мурожаат ҳам оилавий можаро бўлиб, куёв келинни 2 нафар боласи билан онасининг уйига ташлаб кетибди. Ёш жувон тинимсиз бошини қимирлатади. Онасининг айтишича, қизи асабдан шундай дардга йўлиқибди. Куёв хотинини даволатиш ўрнига қайнонасига даволатинг, деб кетибди. Ноилож она қизини дўхтирга кўрсатиб, даволата бошлабди. Аммо ҳали муолажалар тугамаган, келин батамом соғайиб кетмаган бўлса-да, қайнонаси келинни уйига қайтиб келишини талаб қилаётган экан. Табиийки, қизининг соғлиғидан хавотир олган она уни соғайиб кетгунича уйига қайтишини истамаяпти.



Ҳокимликлар қошидаги хотин-қизлар масалалари билан шуғулланадиган бўлимлар ҳар куни бу каби оилавий можароларга дуч келади, уларга тўғри маслаҳат бериб, иккала томонни муросага келтиришга уринади. Аммо бир гап – оила эр ва хотиннинг розилиги ва ўзаро бир-бирини тушуниши билан барпо этилади. Четдан аралашиб, икки ёшни яраштириб қўйиш мумкин, аммо уларга ҳеч ким бахтли турмуш ато этолмайди. Бахтли умр кечириш эр-хотиннинг ўзига боғлиқ.

### ҲАММА ХОТИН-ҚИЗНИ ҲАМ "АЁЛЛАР ДАФТАРИ"ДАН ЧИҚАРИБ БЎЛМАЙДИ

Сафаримиз чоғида тумандаги айрим маҳаллалар билан танишдик.

- Маҳалламизда 30 нафар хотин-қиз "Аёллар дафтари"га киритилган, - деди Навзандак маҳалласи раисининг оила, хотин-қизлар, ижтимоий-маънавий масалалар бўйича ўринбосари Қундуз Сафарова. – "Аёллар дафтари"га 9 йўналиш бўйича энг муҳтож хотин-қизларни киритганмиз. Уларнинг бир нафарига тикув машинаси, 2 нафарига пиширишк печи, 2 нафарига субсидия асосида иссиқхона қуриб бердик. Маҳалла аҳли деҳқончилик билан шуғулланади. Биринчи экинга кўчат, иккинчи экинга шакар лавлаги етиштиради. Бундан ташқари, маҳалламизга саховатпеша кишилар келиб, "муҳтож одамларга беринг", деб турли озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-кечаклар бериб кетади. "Ўнг қўлинг берганни, чап қўлинг билмасин", деганидек, улар исми сир қолишини истайди. Бироқ бизни бир нарса ўйлантиряпти. Яқинда 30 нафар аёлни "Аёллар дафтари"дан чиқариш ва бошқа хотин-қизларни дафтарга киритиш сўралди. Аммо биз маҳалладаги энг муҳтож аёлларни дафтарга киритганмиз. Уларнинг ҳаммаси ҳам ўзини тиклаб кетгани йўқ, ҳамон муҳтож оилалар сафида турибди. Уларнинг ўрнига шароити яхшироқ оилани киритишга виждонимиз қийналяпти.

Ҳақиқатда маҳалла аҳли томорқасидан фойда олишни билар экан. Маҳалладаги Дилмурод Хуморовнинг хонадонида бўлдик. У ҳовлисида 4 сотихлик ерга иссиқхона қуриб, помидор, бодринг, кўкатлар экибди. Помидор ва бодринглар ҳосилга кириб, бозор расталарига чиқмоқда. Ҳар бир кўчатда 18 донадан помидор бор.

- Болалигимдан деҳқончилик қилишни яхши кўраман, - деди Д.Хуморов. – Ҳар йили 50 сотих ерга иккинчи экин сифатида картошка экаман ва яхши ҳосил оламан. Иссиқхонани шу йил қурдим, унинг сир-синоатини қариндошларимдан сўраб ўргандим. Қишлоғимизда иссиқхонадан яхши даромад қилаётганлар бор. Шунингдек, 6 бош қора мол боқаяпман. Худога шукр, меҳнатим билан рўзғоримни тебратиб турибман. Меҳнатдан қочмаган, ҳаракат қилган одам ҳеч қачон бировга муҳтож бўлмайди.

Тумандаги Ястепа маҳалласи аҳолиси асосан сабзи, шолғом етиштириш билан шуғулланади. Маҳаллада 24 нафар хотин-қиз "Аёллар дафтари"га киритилган.

- Маҳалламиздаги бир нафар ёлғиз аёлга субсидия асосида уй-жой бериладиган бўлди, - деди Ястепа маҳалласи раисининг оила, хотин-қизлар, ижтимоий-маънавий масалалар бўйича ўринбосари Нурия Бўриева. – Шунингдек, уни туман аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказига жамоатчи ишчи қилиб жойлаштирдик. Бундан ташқари, маҳалламизда Ситора Раббимова икки нафар фарзанди ва синглиси билан яшайди. Унга тикув машинаси бердик ва жамоатчилик асосида ишга олдик. Кам таъминланган, муҳтож оилаларга ёрдам бериб турибмиз. Аммо гуруч кўрмаксиз бўлмаганидек, 20 сотих томорқаси бўлса-да, "аёллар", "ёшлар" дафтарига киритишни сўраб келадиганлар ҳам топилади. Аввал бундай одамларнинг яшаш шароитини ўрганиб, сўнгра хулосамизни ўзига тушунтирамиз. Бизда ҳам ҳамма хотин-қизларни "Аёллар дафтари"дан чиқариб бўлмайди. Масалан, Ўғилой Йўлдошева боқувчисини йўқотган, 3 нафар фарзанди бор, ўзини тўлиқ таъминлай олмайди. Баъзи оилаларга олти ойлик муддат камбағалликдан чиқиб олишга камлик қилади.

### ТАДБИРКОР МУҲТОЖ АЁЛЛАР УЧУН ТИКУВ ЦЕХИ ОЧДИ

Бугун ишсиз, яшаш шароити оғир аёлларни иш билан таъминлаш масаласи энг долзарб муаммолардан биридир. Хўжақишлоқ маҳалласида тадбиркор Мурод Ашуров замонавий икки қаватли бино қуриб, унинг бир хонасидан аёллар учун тикув цехи очибди. Тикув цехига маҳалладаги 8 нафар "Аёллар дафтари"га киритилган хотин-қизлар ишга олинган.

- Дастлаб аёлларга тикув машинасида тикишни ўргатдим, - деди тикув цехи иш юритувчиси Гулнора Худойқулова. – Сўнгра улар билан донабай шартнома туздик, яъни тиккан маҳсулотининг донасига пул тўлаймиз. Ҳозир болалар ва эркаклар учун енгил, ёзги кийимлар тикяпмиз. Бизга Ургут бозоридан буюртма тушган. Ёзги кийимларнинг донасига минг сўмдан тўлаймиз. Баъзи аёллар бир кунда 300 тагача кийим-кечак тикяпти.

- Икки нафар болам бор, шу пайтгача ҳеч қаерда ишламасдим, - деди тикув цехи ишчиси Дилафрўз Каримова. – Цехга ишга келганимдан мамнунман, иш ўргандим, фарзандларимни боқишим учун пул топяпман.

- Тўрт нафар фарзандим бор, - деди Муборак Жўраева. – Оилавий шароитим оғирлиги учун "Аёллар дафтари"га киритилгандим. Маҳалла кўмагида тикув цехига ишга жойлашдим. Турмуш ўртоғимнинг даромади кам, шунинг учун ишлаб, оиламга ёрдам беряпман.

Тадбиркор Мурод Ашуров биноннинг иккинчи қаватини ҳам тикув цехи қилмоқчи. У кам таъминланган, боқувчисини йўқотган аёлларни иш билан таъминлаб, келажакда 100 нафар аёлга иш ўринлари яратишни режалаштиряпти.

Бугун озгина ҳаракат қилган одам рўзғорини тебратишга пул топади. Ишбилармон кишилар кафтдек ердан ҳам катта даромад олади. Тойлоқ аҳли деҳқончилик сир-синоатларини яхши билади, "ёшлар", "аёллар" дафтарига киритилганлар такрорий экин учун 10 йиллик муддатга ер ажратиляпти. Бу ҳам камбағалликдан чиқишга, ўзини ўзи банд қилишга бир имконият.

**Хуршида ЭРНАЗАРОВА.**

Хулоса

## Жомбойдан совриндор йўқ, ўртача балга эса ғолиблик

**Жорий йилнинг 12 июнь куни Ёшлар фестивали доирасида 10 та олий таълим муассасаларида "Вилоят ҳокими фан олимпиадаси" ўтказилди.**

Фан олимпиадасида 14 та умумтаълим фанлари бўйича туман, шаҳар мактабларидан саралаган 10-11-синф ўқувчилари иштирок этди. Жумладан, ҳар бир фан бўйича 4 нафардан ўқувчи қатнашди.

14 та фандан биринчи, иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллаган 84 нафар ғолиб ўқувчилар вилоят ҳокимининг диплом ҳамда қимматбаҳо эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Барча фанлар бўйича Самарқанд шаҳри 20 та совринли ўринни қўлга киритиб, биринчи ўринни эгаллаган бўлса, Паст Дарғом тумани 9 та соврин билан иккинчи, Булунғур ва Нуробод туманлари 7 та соврин билан учинчи ўринни банд этди.

Фан олимпиадасида энг паст кўрсаткичли туманлар ҳам қайд этилди. Масалан, Ургут тумани ўқувчилари 2 та совринли ўрин олган бўлса, Жомбой тумани бирорта ҳам совринли ўринларни қўлга киритолмади.

Фан олимпиадасининг ўзига хослиги шундан иборат бўлдики, унда иштирок этган 1576 нафар ўқувчининг 1031 нафари, яъни 65,4 фоизи илгари олимпиадада қатнашмаган ўқувчилардир. Бъзида ўқитувчи фан олимпиадасига фақат битта ўқувчини олиб боради. Вахоланки, синфда ўша ўқувчидан кўра фанни яхши ўзлаштирган ўқувчи бўлиши мумкин. Шуни ҳисобга олган ҳолда бу гал фан олимпиадаларида иштирок этмаган ўқувчилар жалб этилди.

Шунингдек, ғолиб бўлган 84 нафар ўқувчидан 32 нафари олимпиадада янги номзод сифатида қатнашиб, 10-синфлардан 17 нафар, 11-синфлардан 15 нафари совринли ўринларни қўлга киритди.

Шуниси таассуфлики, фан олимпиадасида айрим камчиликлар ҳам кўзга ташланди. Масалан, олимпиадада 112 нафар ўқувчи фанлардан паст балл олган. Жумладан, Ургут тумани 13,4 фоиз, Булунғур тумани 11,6 фоиз, Самарқанд тумани 10,7 фоиз билан энг паст натижани қайд этди.

Шу билан бирга тожик тили ва адабиёти, информатика, кимё, немис тили фанларидан ўқувчиларнинг олимпиада даражасидаги билимлари етарли эмаслиги аниқланди. Жумладан, тожик тили ва адабиёти фанидан биринчи ўринни қўлга киритган 11-синф ўқувчиси (Паст Дарғом тумани 19-мактаб) 62,5 балл, учинчи ўринни эгаллаган ўқувчи (Нуробод тумани 13-мактаб) 57,5 балл тўплаган. Аслида бундай балл "3" баҳо дегани. Қолган ўқувчилар эса олимпиадада "2" баҳо олган.

Худди шунингдек, информатика фанидан учинчи ўринни эгаллаган 11-синф ўқувчиси (Пахтачи тумани 19-мактаб) 67,5 балл, кимё фанидан учинчи ўринни қўлга киритган 11-синф ўқувчиси (Қўшработ тумани 13-мактаб) 55,0 балл, немис тили фанидан учинчи ўринни олган 10-синф ўқувчиси (Самарқанд шаҳар 51-ИДУМ) 57,5 балл тўплаган. Ушбу кўрсаткич ҳам ўрин беришга лойиқ эмас. Аммо бундан юқори балл бўлмагани учун ушбу ўқувчиларга учинчи ўрин берилди.

Бўлиб ўтган фан олимпиадасининг олий таълим муассасалари ҳамкорлигида ўтказилгани унинг шаффофлигини таъминлаган бўлса, юқоридаги камчиликларнинг очилгани эндиликда вилоят халқ таълими тизими раҳбарларининг айнан қандай масалага эътибор қаратиши кераклигини кўрсатди.

Бу каби фан олимпиадалари ҳар йили олий таълим муассасалари ҳамда Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси вилоят ҳудудий бўлими томонидан ҳамкорликда ўтказиш режалаштирилмоқда.

Шунингдек, фан олимпиадасини ўтказган олий таълим муассасалари ўзларига бириктирилган фанлардан ғолиб бўлган ва юқори балларни тўплаган ўқувчиларни республика ва халқаро фан олимпиадаларига тайёрлайди.

**Ғайрат БОБОХОЛОВ, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси вилоят ҳудудий бўлими бошлиғи.**

***Ёшим 90 дан ошди. Икки тузумни, икки асрни кўрдим. Ҳарқалай, яхши-ёмонни фарқлаб, фарзандларим, оғайниларим олдида обрўйимга путур етказадиган иш қилмадим. Афсуски, бугунги кунда назорат идораларидаги айрим ходимларнинг иш тутумини, масъулиятсизлигини кўриб, тўғриси, ҳайрон қоляпман.***



## Айбдор жазоланмаса, жиноятга йўл очилади

Менга шу йил 1 апрелда Самарқанд шаҳар ҳокими имзоси билан хат келди. Унда айтилишича, гўё мен 2021 йил 24 мартда (5855-арз 21) Ўзбекистон Республикаси Президенти виртуал қабулхонасига оилавий масалада ёрдам сўраб мурожаат қилган эканман. Қизиғи, фамилиям "Ҳошимов" деб нотўғри ёзилган.

**Биринчидан,** мен виртуал қабулхонага мурожаат қилганим йўқ.

**Иккинчидан,** мен билан ҳеч ким бу масалада гаплашган эмас. У мурожаат нима ҳақда эканини ҳам билмайман. Телефон рақами ҳам менини эмас.

**Учинчидан,** хатни тайёрловчи ҳокимлик ходими Б.Омонов бу маълумотларни қаердан олган? Нега ҳоким имзоси билан ёлғон маълумот тайёрлаган?

Ҳайронман, ёлғон мурожаат қилган ҳам, ёлғон маълумот тайёрлаган ҳам маълум. Лекин ҳеч ким уларга чора кўриш ҳақида ўйламайди. Шаҳар прокуратураси ва ҳокимлигига қилаётган мурожаатларим эса жавобсиз қоляпти.

Агар айбдор жазоланмаса, у жиноятга йўл очиши мумкин. Нахотки, буни ҳуқуқ-тартибот идоралари тушуниб етмайди?!

**Салом ХОДЖИЕВ, Самарқанд шаҳри Шарқ Тонги маҳалласи.**

## Томчилатиб суғорилса,
### сув тежалади, солиқ камаяди

Она табиатни асраш, уни бус-бутунлигича келажак авлодга етказиш барчамизнинг бурчимиз. Ҳозирги глобаллашув жараёнида дунё мамлакатлари экологик инқироз ёқасига келиб қолган. Инсон ва табиат ўртасидаги мувозанатнинг бузилиши оқибатида шундай ҳолат юзага келмоқда

Жорий йил ёғингарчилик кам бўлиши сувдан тежамкорлик билан фойдаланишни тақозо этмоқда. Бу эса ўз навбатида, томчилатиб суғоришдан оқилона фойдаланишни англатади. Бу тизим нафақат ҳосилдорликни, балки меҳнат унумдорлигини ҳам оширади. Ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга, агротехник тадбирларни самарали йўлга қўйишга ёрдам беради. Суғоришнинг ушбу янги тизимини жорий қилиш мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги тараққиётига улкан ҳисса қўшади.

Пахта етиштиришда томчилатиб суғоришнинг афзаллиги тупроқ қотмайди ва культивация қилинмайди ҳамда ўғитлар сув билан бирга берилганлиги боис, мавсум давомида техника воситаларни ишлатиш зарурати янада камаяди. Нафақат ёнилғи-мойлаш материалларига, балки техникани таъмирлашга сарфланадиган харажатлар ҳам тежаб қолинади. Тупроғи қотмаган далани кузда ҳайдаш осон кечади. Томчилатиб суғориш технологиясини жорий қилган фермер хўжаликлари ушбу технология жорий қилинган ер майдони бўйича 5 йил муддатга ягона ер солиғи тўлашдан озод этилиши юзасидан Солиқ кодексига ўзгартиришлар киритилди. Келгусида янгидан ташкил этиладиган боғлар учун ер ажратиш, фақатгина ушбу майдонларда томчилатиб суғориш тизими ҳамда шу каби сувни тежайдиган технологияларни жорий этиш шарти билан амалга оширилиши белгиланган.

Бу имкониятлардан тўлиқ фойдаланадиган бўлсак, сув тежамкорлиги ошиб, ҳосилдорлик бир неча баробарга ошади ва биз шу орқали табиатга етадиган зарарни камайтиришимиз мумкин.

**Эркин ШЕРОВ, халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати.**

Сарҳисоб

## Самарқанд фармацевтика корхоналари қанча дори ишлаб чиқарди?

Савдо-саноат палатаси вилоят ҳудудий бошқармасида вилоятимизда дори воситалари ва тиббий буюмлар ишлаб чиқариш ҳолати ва ривожлантириш имкониятларига бағишланган йиғилиш ўтказилди.

Қайд этилишича, 2020 йилда вилоятда фаолият кўрсатаётган 6 та фармацевтика корхонаси томонидан 111 миллиард сўмлик дори воситалари ва тиббиёт буюмлари ишлаб чиқарилган. Бу кўрсаткич 2019 йилга нисбатан 2,4 баробар (2019 йил 46 миллиард сўм) кўп бўлса-да, республикада ишлаб чиқарилган фармацевтика маҳсулотларининг 4,4 фоизини ташкил этади. Ярим йилга тушириладиган корхоналар ҳисобига бу кўрсаткич жорий йилнинг январь-май ойларида 10 фоизга етди.

2020 йилда «Samarkand England Eco-Medical» қўшма корхонаси 925,3 минг долларлик дори воситалари, "OPTIMA SOBIRJON" масъулияти чекланган жамияти 722 минг долларлик тиббий қўлқоплар экспорт қилди.

- Дори воситалари импорт қилувчиларга солиқлардан бирмунча имтиёзлар берилган ва улар тежалган маблағ ҳисобидан ўзининг дори воситалари ва тиббиёт буюмлари ишлаб чиқариш бўйича инвестиция лойиҳаси учун иқтисодий асос бор, - деди вилоят ҳокими Эркинжон Турдимов. - Тадбиркорлар энг катта муаммоси бўлган ер ажратилишида Президентимизнинг 2021 йил 15-16 апрелдаги ташрифидаги топшириғига асосан барча туманларда "Ургут" эркин иқтисодий зонаси филиаллари ташкил этилади. Хусусан, Жомбой туманида 107 гектар ер майдони ажратилиб, ҳудуд фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилади.

Вилоят ҳокимининг ёрдамчиси Н.Ибрагимовнинг айтишича, ҳозирги кунда Оқдарё туманидаги "Вакцина фарм медикал" МЧЖ, Самарқанд шаҳридаги "Samarqand England Eco-Medical" МЧЖ қўшма корхонаси, Паст Дарғом туманидаги "Фортуна Ургут медикал" МЧЖ, Жомбой туманидаги "Полидар Фарм" МЧЖ ва "PHARM PARTNERS GROUP" МЧЖларнинг дори воситалари ва тиббиёт буюмлари ишлаб чиқариш лойиҳаларини ишга тушириш чоралари кўрилаётир.

Қўшработ туманидаги "FARANGIZ" хусусий корхонаси наматак, пол-пола, ромашка, исириқ, "Алихан органик агро" МЧЖ лаванда, Нуробод туманида "Samarkand Herbal medicine" ва "Бахром бобо" фермер хўжалиги наматак, коврак, қалампир ялпиз, дала чой ўти, аччиқ бодом, қизил дўлана плантацияларини яратиш устида иш олиб бормоқда.

**Ўз мухбиримиз.**

**Вилоят матбуот уйида "Hududgaz Samarqand" газ таъминоти филиали директори Олим Исақулов иштирокида бўлиб ўтган матбуот анжуманида 2021–2022 йил куз-қиш мавсумига тайёргарлик ҳамда аҳолини бир маромда табиий газ билан таъминлашда юзага келадиган муаммоларни бартараф этиш, шунингдек, мавжуд газ қувурларини мукаммал реконструкция қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар бўйича ахборот берилди.**

## Хонадонларда табиий газ таъминоти яхшиланади

Оммавий ахборот воситалари вакиллари ва блогерлар иштирок этган тадбирда жорий йилда табиий газ истеъмолчиларига бир меъёрда "зангори олов" етказиб беришни таъминлаш, куз-қиш мавсумига тайёргарлик бўйича махсус режа-жадвалга кўра, амалий ишлар жорий йилнинг апрель ойидан бошланганлиги таъкидлаб ўтилди.



- Вилоят бўйича режалаштирилган 4,9 километр газ қувурларидан шу кунгача 0,5 километр газ қувурлари мукаммал таъмирланди, - дейди Олим Исақулов. - 6,4 километр газ қувурларининг 0,7 километрида реконструкция ишлари амалга оширилди. Жами 8815 дона газ тақсимлаш қутиларидан 3546 тасида тафтиш ишлари ўтказилди. Шунингдек, 39 та газ тақсимлаш пунктлари таъмирланди. Мавжуд ер усти газ қувурларининг 133 километрида бўёқлаш ишлари амалга оширилди. Ер ости газ қувурларининг 405 километрида босимости зичликка синаш ва ҳаво босими ёрдамида тозалаш ишлари якунига етказилди. 168 километр газ қувурларининг ҳолати текширилди.

Жумладан, Самарқанд шаҳридаги Амир Темур ва Гагарин кўчалари кесишмасидан Фирдавсий кўчасига Д-325 миллиметрли, узунлиги қарийб 0,5 километрлик табиий газ қувури тортилмоқда. Ушбу иншоот қурилиб фойдаланишга топширилгач, шаҳардаги Мирзо Улуғбек, Лолазор, Аҳмад Яссавий, Мафтункор, Дукчиён, Темирйўлчок каби маҳаллаларда истиқомат қилувчи 7 мингдан ортиқ хонадонда табиий газ таъминоти яхшиланади.

- Оқдарё газ тақсимлаш станциясидан Самарқанд шаҳрининг Панжакент кўчасигача Д-325 миллиметрли, узунлиги 11,5 километр газ қувурлари тортилмоқда, - дейди "Hududgaz Samarqand" газ таъминоти филиали қурилиш бўлими бошлиғи Аъзам Боболиев. - Мазкур иншоот ишга тушгач, шаҳарнинг Сиёб ҳудудидаги 20 га яқин маҳаллаларда табиий газ таъминоти яхшиланади. Шунингдек, Самарқанд туманида жойлашган Самарқанд-1 газ тақсимлаш станциясидан 5,2 километр масофада Д-325 миллиметрли юқори босимли янги газ қувурини ўрнатиш ҳам кўзда тутилган.

Президентимизнинг жорий йил 15-16 апрель кунлари Самарқанд вилоятига ташрифи давомида юқоридаги газ тармоғини 10,5 километрга узайтириш топшириғи берилган эди. Айни кунгача ушбу объектнинг 2 километрида қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилмоқда. Йил якунида объект ишга тушгач, Самарқанд шаҳридаги аҳоли хонадонлари, меҳмонхона ва маиший хизмат кўрсатиш объектларида, жумладан, Сартепа массиви, Университет хиёбони атрофидаги маҳаллаларда яшовчи 32 000 дан ортиқ хонадонларда табиий газ таъминоти яхшиланади.

**Дилмурод ТЎХТАЕВ.**



# Булунғур тиббиёти учун асбоб-ускуналар харид қилинди

**Булунғур туманида истиқомат қилувчи 185 минг нафар аҳолининг саломатлигини асраш учун 300 ўринли марказий шифохона, ўнлаб оилавий шифокорлик пунктлари ва оилавий поликлиникалар хизмат кўрсатади.**

Шу йилнинг биринчи чорагида туман тиббиёт бирлашмаси учун 100 миллион сўмлик тиббий асбоб-ускуналар харид қилинди. Хусусан, тўртта кардиомонитор, 350 га яқин турли ускуналар аҳоли соғлигини тиклаш мақсадида ишлатилмоқда.

Тиббиёт бирлашмасига вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси томонидан ўнта, туман ҳокимлиги томонидан иккита кислород конденсаторлари берилди. Пандемия даврида вирусга чалинган беморларни ётқизиб даволаш учун фойдаланилган Килдон саноат коллежи бинолари бугун капитал реконструкциядан чиқарилиб, янги кўриниш касб этган.

- Мақсадли ёрдам кўрсатиш учун 62 та тиббий бригадалар ташкил этдик, - дейди туман тиббиёт бирлашмаси раҳбари Воҳид Худойқулов. – Янги технологиялар, портатив УТТ аппарати ёрдамида Хўжамазгил, Фармонтепа, Муллатўпи, Янгиқишлоқ, Авлиё Парпи ва Чорбоғ маҳаллалари аҳолиси тўлиқ чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилди. «Темир», «Аёллар», «Ёшлар» дафтарига киритилган аҳолининг амбулатор ва стационар реабилитацияси учун йил бошидан буён 20 нафар фуқаронинг вилоят, республика шифохоналарида бепул даволаниши учун ордерлар ажратилди.

**Тоҳир НОРҚУЛОВ.**

# Жомбойлик боксчи республикада ягона

**2001 йилда Жомбой туманининг Саричашма қишлоғида туғилган боксчи Навбаҳор Ҳамидовани энди жаҳонда ҳам кўпчилик таниб улгурди.**



Қишлоқдошлари у билан фахрланади. Синглиси Севинч опасига қизиқиб, спортнинг қўл жанги турини танлаб кам бўлмади. У ҳам кўплаб мусобақлар ғолиби, бугунги кунгача республика ва халқаро мусобақаларда 20 га яқин медални қўлга киритган.

Навбаҳор мураббийи Сардор Ўринов қўл остида бокс сирларини ўрганди. Яқинда 75 килограмм вазн тоифасида мусобақаларда қатнашиб, "Динамо" спорт жамияти вакили сифатида Дубай шаҳрида ўтказилган Осиё чемпионатида кумуш медал ҳамда беш минг АҚШ доллари билан тақдирланди. Бу унинг Осиё ўйинларидаги иккинчи кумуш медали. Кейинги ютуғида устози Элшод Расуловнинг ҳиссаси катта. Навбаҳор республикада ўз ёш тоифасида ягона боксчи саналади.

- Мақсадим Олимпия ўйинларига йўлланмани қўлга киритиб, чемпион бўлиш, - дейди Навбаҳор. – Ҳозирда Токио Олимпиадасига лицензия берувчи турнирга тайёргарлик кўряпман. Буёғига ўқув-йиғин машғулотларига киришиб, мусобақаларда тажриба орттириш мен учун жуда муҳим.

**Соҳиб САЙФУЛЛАЕВ.**

REKLAMA, E'LONLAR, BILDIRISHLAR / Gazetamiz haftada uch marta - seshanba, payshanba va shanba kunlari chop etiladi / Gazetada chop etilayotgan reklama va e'lonlar tezkor, samarali va hamyonbop / MUROJAAT UCHUN TELEFON: 66-233-91-56

## Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, чет эл инвесторлари диққатига!

**Халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгашининг 2021 йил 9 апрелдаги 199/28-VI-сонли ва Самарқанд вилояти ҳокимининг 2020 йил 23 сентябрдаги 147-Қ-сонли қарорларига асосан "E-IJRO AUKSION" электрон савдо майдончаси орқали сотилиши белгиланган давлат мулки объектлари бўйича**

# САВДОЛАР ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ

| Т/р | Объект номи | Балансда сақловчи ташкилот номи | Жойлашган манзили | Умумий ер майдони (га.) | Қурилиш ости майдони (кв.м.) | Фаолият тури | Савдо санаси | Ариза беришнинг охирги муддати |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Бўш турган бино | Самарқанд шаҳар ҳокимлиги | Самарқанд шаҳри Дари Занжир МФЙ | 0,30 | 1195,0 | Тиббий хизмат кўрсатиш марказини ташкил этиш | 19.07.2021 й. | 17.07.2021 й. |
| 2 | Бўш турган бино | Пахтачи тумани ҳокимлиги | Пахтачи тумани Чашма МФЙ | 0,09 | 641,1 | - | 19.07.2021 й. | 17.07.2021 й. |

**Аукционда қатнашиш тартиби тўғрисида:**

Ушбу объектларни "E-IJRO AUKSION" ягона электрон савдо майдончаси орқали сотиб олиш Давлат активларини бошқариш агентлиги қошидаги "Электрон онлайн аукционларни ташкил этиш маркази" ДУКнинг "e-auksion.uz" сайт майдончасида ўтказилиши режалаштирилган. Савдоларда қатнашиш истагида бўлган жисмоний ва юридик шахслар хатлов ва баҳолаш ишлари якунлангандан кейин "e-auksion.uz" сайтида қоидалар билан танишган ҳолда рўйхатдан ўтиб, савдо жараёнларида қатнашишлари мумкин.

Рўйхатдан ўтган жисмоний шахслар давлат хизматлари маркази ёки мажбурий ижро бюросидан электрон рақамли имзо сертификатларини олиши мумкин, юридик шахслар эса мажбурий ижро бюросидан бериладиган электрон рақамли имзо сертификатларини олишлари талаб этилади.

**Аукционда қатнашиш учун ариза бериш:**

Рўйхатдан ўтган ва электрон рақамли имзога эга бўлган жисмоний ва юридик шахслар "e-auksion.uz" сайтида яратилган "Шахсий кабинет"лари орқали кириб ўтказиладиган аукционлар рўйхатидан ўзига керакли объектни танлаши ва у ҳақида тегишли маълумотга эга бўлишлари мумкин. Аукцион савдосига қўйилган ҳар бир мол-мулкка тизим ўзига хос такрорланмайдиган ЛОТ рақами беради.

Аукцион савдосида қатнашмоқчи бўлган жисмоний ва юридик шахслар бино ҳақидаги маълумотларга эга бўлиб, шу ерда кўрсатилган банк реквизитларига кўрсатилган закалат маблағини тўлаган (тўлов ҳужжатида аукциондаги ЛОТ рақами кўрсатилиши керак) ҳолда аукцион савдосида қатнашиш учун электрон тарзда ариза беришлари лозим.

Электрон тарзда ариза бериш жараёнида иштирокчи томонидан электрон рақамли имзо билан имзолаган ҳолда ариза юборилади. Ариза электрон тарзда юборилгач, иштирокчининг "Шахсий кабинети"га ариза қабул қилинганлиги ёки қайтарилганлиги тўғрисида жавоб хабари келади. Аукцион савдосида қатнашиш учун ариза бериш сайтда кўрсатилган муддатда тўхтатилади.

**Аукцион жараёни:**

Иштирокчилар томонидан савдода қатнашиш учун ариза берилгандан сўнг, савдо бошланадиган кунда (вақтда) иштирокчилар "e-auksion.uz" сайтида махсус логин ва паролларини терган ҳолда "Шахсий кабинет"га кирилади ва "Кабинет"га ўтилгандан сўнг "Менинг аукционларим" бўлимидан қатнашмоқчи бўлган аукцион танланади.

Шунда дастур томонидан "Иштирок этишни тасдиқлаш" сўралади, иштирок этиш тасдиқлангандан сўнг савдо жараёнида иштирок этиш мумкин бўлади (аукцион савдо ўтказиш куни соат 9:00 да бошланади).

Аукционда қатнашувчиларга дастур томонидан алоҳида тартиб рақами берилади.

Аукционнинг бошланиши иштирокчилардан ЛОТни бошланғич нархдан битта қадамга оширилган нархда сотиб олиш бўйича таклифни тасдиқлашни сўрашдан бошланади. Агар, таклиф берилгандан кейин 10 дақиқа давомида аукцион иштирокчиларидан бири белгиланган кадамга оширилган ЛОТ нархини тасдиқласа, кейинги таклифни тасдиқлаш учун вақт яна 10 дақиқага узайтирилади.

Агар, тасдиқланган охирги таклифдан сўнг 10 дақиқа давомида кейинги оширилган ЛОТ нархи бўйича таклиф аукцион иштирокчиларининг бирортаси томонидан тасдиқланмаса, савдо аукцион натижалари ҳақидаги баённомани автоматик тарзда шакллантирган ҳолда якунланади. ЛОТ нархи бўйича таклифни охирги тасдиқлаган иштирокчи аукцион ғолиби деб топилади. Шундан сўнг иштирокчига ғолиблик баённомаси топширилади ёки иштирокчи билан келишган ҳолда почта жўнатмаси орқали юборилади.

Савдолар натижалари бўйича ғолиблик баённомаси Давлат активларини бошқариш агентлиги Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармасига тақдим этилган санадан бошлаб 10 кундан кечикмай олди-сотди шартномаси тузилади.

Аукционда иштирок этгандан сўнг ғолиб бўлмаган иштирокчиларга закалат пулларини қайтариш иштирокчиларнинг электрон тарзда берган аризаларига асосан кўрсатилган ҳисоб рақамга қайтариб берилади ёки кейинги савдоларда қатнашиш учун ўтказилиши мумкин.

**Қўшимча маълумотларни олиш учун манзил:** Самарқанд шаҳри Камол Отатурк кўчаси, 21-уй. Давлат активларини бошқариш агентлиги Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармаси, давлат активларини сотишга тайёрлаш ва сотиш ишларини мувофиқлаштириш бўлими.

**Маълумот учун телефонлар:**
66-233-73-54, 91-537-32-12
**Факс:** 66-233-73-54
**"Facebook"даги расмий саҳифа:**
Sam Dav Aktiv
**Веб-саҳифа:** privatization.davaktiv.uz
**Интернет тармоғидаги веб-сайт:**
samarqand@davaktiv.uz

### ДАЪВОЛАР БЎЛСА

Самарқанд туманидаги «SAM AVTO PARTS TRADING" масъулияти чекланган жамияти (СТИР: 306464423) ўз устав фондини камайтирмоқда.

Шу муносабат билан унга билдириладиган барча даъволар газетада эълон чоп этилгач, бир ой давомида қабул қилинади.

**Манзил: Самарқанд тумани Ўзбеккенти МФЙ.**

* * *

Самарқанд шаҳридаги «BETTA SERVICE PLUS» масъулияти чекланган жамияти (СТИР: 302741650) тугатилиб, «AZ DIL TEKS» хусусий корхонасига (СТИР: 301205534) қўшилмоқда. «AZ DIL TEKS» хусусий корхонаси «BETTA SERVICE PLUS» масъулияти чекланган жамиятининг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади. Шу муносабат билан унга билдириладиган барча эътирозлар газетада эълон чоп этилгач, бир ой давомида қабул қилинади.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Абдураҳмон Жомий кўчаси, 106-уй.**

* * *

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Юсупова Дилсура Хасановна нотариал идорасида марҳум Икрамов Ганига (2020 йил 29 октябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Юсупова Дилсура Хасановна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Абдураҳмон Жомий кўчаси, 64-уй.**

* * *

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Исмоилова Шаҳло Баҳриллоевна нотариал идорасида марҳум Ашурова Шоира Таировнага (2020 йил 17 октябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Исмоилова Шаҳло Баҳриллоевна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Абдураҳмон Жомий кўчаси, 17-уй.**

* * *

Самарқанд туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Абдуллаев Нодир Джамолиддинович нотариал идорасида марҳум Разок Рузиевга (2018 йил 4 майда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Абдуллаев Нодир Джамолиддинович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд тумани У. Самиев кўчаси, 1-уй.**

* * *

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Хўжамқулов Ҳусан Ўринбоевич нотариал идорасида марҳум Исроилов Мақсуджон Эргашевичга (2020 йил 23 октябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Хўжамқулов Ҳусан Ўринбоевич нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Спитамен шоҳкўчаси, 272-уй. Мўлжал: Самарқанд вилоят ИИБ ЙҲХБ, шаҳар мудофаа ишлари бўлими.**

* * *

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Ҳазратқулов Маҳмуд Муминкулович нотариал идорасида марҳум Рахимова Нодира Курбановнага (2016 йил 20 сентябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Ҳазратқулов Маҳмуд Муминкулович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Амир Темур кўчаси, 36-уй.**

* * *

Пайариқ туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Тоштемиров Алишер Пўлатович нотариал идорасида марҳум Мирзаев Қиличга (2020 йил 21 апрелда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилган. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Тоштемиров Алишер Пўлатович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Пайариқ тумани Челак шаҳарчаси, Обод кўчаси, 35-уй, 3-хона.**

* * *

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Исмоилова Шаҳло Баҳриллоевна нотариал идорасида марҳум Хасанов Олим Якубовичга (2021 йил 24 январда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Исмоилова Шаҳло Баҳриллоевна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Абдураҳмон Жомий кўчаси, 17-уй.**

* * *

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Жўраев Камолиддин Муҳиддинович нотариал идорасида марҳум Шамсиев Салохидин Сайфиевичга (2020 йил 22 августда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Жўраев Камолиддин Муҳиддинович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Ўзбекистон кўчаси, 35-уй.**

* * *

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Ҳазратқулов Маҳмуд Муминкулович нотариал идорасида марҳум Ибрагимов Музаффарга (2020 йил 28 сентябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Ҳазратқулов Маҳмуд Муминкулович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Амир Темур кўчаси, 36-уй.**

* * *

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Бобомуродов Пирмамат Исомидинович нотариал идорасида марҳум Раджабов Туракул Турдалиевичга (2017 йил 21 июлда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Бобомуродов Пирмамат Исомидинович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Амир Темур кўчаси, 108-уй.**

* * *

Каттақўрғон шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Ботиров Озод Комилжонович нотариал идорасида марҳум Сапаров Собиржон Шароповичга (2020 йил 1 сентябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Ботиров Озод Комилжонович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Каттақўрғон шаҳри Алишер Навоий кўчаси, 148-уй.**

* * *

Паст Дарғом туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Аҳатов Ўлмас Тўраевич нотариал идорасида марҳум Облақулов Отабек Отаёровичга (2021 йил 18 февралда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Аҳатов Ўлмас Тўраевич нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Паст Дарғом тумани Жума шаҳарчаси, Нодирабегим кўчаси, 26-уй.**

* * *

### БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтидан 2015 йилда Амонбоев Сохиб Шеркулович номига берилган рўйхат рақами 5664, B № 763550 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд давлат университетидан 1995 йилда Саиджонов Джамшед Джуракулович номига берилган рўйхат рақами 2156, № 043819 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд давлат университетидан 2007 йилда Саиджонов Джамшед Джуракулович номига берилган рўйхат рақами 1610, B № 320081 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд шаҳридаги 18-умумий ўрта таълим мактабидан 2004 йилда Мирзаева (ҳозирда Ашурова) Озода Акбаралиевна номига берилган U № 1086428 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Паст Дарғом туманидаги 31-ўрта мактабдан 1995 йилда Тураев Икрамжон Наркулович номига берилган A № 492928 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд вилоят ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасининг Оқдарё туман филиалидан Ибрагимова Саярага қарашли Оқдарё тумани Даҳбед МФЙ, Ўқитувчилар кўчаси, 44-уй, 19-хонадон учун 2019 йил 14 февралда берилган реестрдаги тартиб рақами 1718203/2622 бўлган кадастр ҳужжатлари тўплами йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Каттақўрғон шаҳар педагогика коллежидан 2008 йилда Гиёсова Шахзода Бобоқуловна номига берилган K № 0956136 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Паст Дарғом хизмат кўрсатиш ва сервис касб-ҳунар коллежидан (ҳозирги Паст Дарғом туман 2-сон касб-ҳунар мактабидан) 2011 йилда Норқулова Мохигул Фахридин қизи номига берилган рўйхат рақами 362, K № 2087874 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Паст Дарғом хизмат кўрсатиш ва сервис касб-ҳунар коллежидан (ҳозирги Паст Дарғом туман 2-сон касб-ҳунар мактабидан) 2014 йилда Ўлмасова Зарнигор Ғайратжон қизи номига берилган рўйхат рақами 103, K № 3422497 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Паст Дарғом хизмат кўрсатиш ва сервис касб-ҳунар коллежидан (ҳозирги Паст Дарғом туман 2-сон касб-ҳунар мактабидан) 2010 йилда Шодмонов Нурбек Комолович номига берилган рўйхат рақами 114, K № 1701388 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд шаҳридаги 14-умумий ўрта таълим мактабидан 2019 йилда Аҳадов Зокир Умар ўғли номига берилган UM № 0134866 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Каттақўрғон туманидаги 83-умумий ўрта таълим мактабидан 2003 йилда Ширинов Жахонгир Ганикуловичга берилган O'R-A № 1466440 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд вилоят ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасининг Нуробод туман филиалидан Очилова Ирода Холмурод қизига қарашли Нуробод тумани Тегирмонбоши маҳалласи ҳудудида жойлашган савдо дўкони биноси учун 2018 йил 15 октябрда берилган кадастр ҳужжатлари тўплами йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Паст Дарғом туманидаги «Аламхон бобо» фермер хўжалигининг (СТИР: 203084957) думалоқ муҳри ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

---

Самарқанд давлат университети тарих факультети жамоаси Ўзбекистон тарихи кафедраси доценти Рустам Холиқуловга онаси **Руқия ая ШАРИПОВА**нинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

---

Паст Дарғом туманидаги 107-умумий ўрта таълим мактаби жамоаси ва касаба уюшма қўмитаси жисмоний тарбия фани ўқитувчиси Фурқат Назаровга отаси **Ортиқ НАЗАРОВ**нинг вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

Али Ҳамроев 84 ёшни қаршилаётган бўлса-да, унинг кино олишга, янги асарлар яратишга бўлган меҳри ўзгача. Италияда яшайди, аммо Ўзбекистонда кино олиш у кишига мароқ бағишлайди.

# АЛИ ҲАМРОЕВ: «Агар кино олсам, фақат Самарқандда оламан»



**1937 йил 19 майда Тошкентда туғилган Али Ҳамроев Герасимов номидаги Бутунроссия давлат Кинематография институтини тугатган. Режиссёр сифатида қалбимиздан чуқур жой олган «Ёр-ёр», «Дилором», "Лайлак келди, ёз бўлди", "Қизил қум", "Еттинчи ўқ", "Инсон қушлар ортидан боради", "Халқ жасорати", "Мевазорлик аёл" каби фильмлар муаллифи. Ҳозирда Самарқандда Кинематография агентлиги буюртмасига асосан "Ёшлик" киностудияси томонидан "Самарқандда қовун тароватиˮ бадиий фильмининг суратга олиш ишларини олиб бормоқда. Режиссёр Али ака фильм ҳақида, суратга олиш жараёнлари, Самарқанднинг ўзига хослиги ҳақида гапириб берди.**

- Фарзандларим ва невараларим билан ҳозирда Италияда истиқомат қиламан, - дейди режиссёр Али Ҳамроев. – Лекин Ўзбекистон билан ҳам алоқаларим узилгани йўқ. 10 йилда 6 та ҳужжатли фильм ишладим. Игор Савинский, Галия Измаилова, Павель Бенков, шулар жумласидан. Кинематография агентлиги директори маҳалла ҳақида "Ёр-ёр" фильмига ўхшаш бадиий фильм суратга олишимни таклиф қилди. Мен агар фильм яратадиган бўлсам фақат Самарқандда суратга олишимни айтдим. Гарчи, Тошкентда туғилган бўлсам-да, Самарқанд ўзининг қадимийлиги, анъаналарининг сақланиб қолганлиги билан мени ўзига маҳлиё этади. Бу шаҳарнинг ўз юзи бор, сири бор. Рост, бу ерда эски маҳаллаларни, юзида табассум билан сизга салом берадиган болаларни, кўмагини аямайдиган халқни, эрта тонгдан эшигини очиб қўядиган хонадонларни ҳали ҳам учратасиз.

Бундан 55 йил олдин ишланган, халқимиз севиб томоша қиладиган "Ёр-ёр" фильмининг иккинчисини олиш қийин. Чунки актёрлардан фақатгина Бахтиёр Ихтиёров бор. Ўйлаб кўриб, Самарқанд маҳаллалари, халқининг турмуш тарзи, оқсоқоллар, тўйлари ҳақида "Самарқандда қовун таровати" сценарийсини 3 ой давомида ёздим. Чунки маҳалла – бу Ўзбекистоннинг юзи.

**- Фильмнинг номидан Самарқанд қовунлари ҳақидами деган хаёлга борасиз, аммо фильм маҳаллалар ҳақида экан...**

- Қовунни нима учун қўшдим. Бу сюжетга боғланган. Фильм Асқар отанинг велосипедда бозордан чиқиши билан бошланади. У велосипед багажида бозордан сотиб олган қишки қовун билан уйга кетаётганида чет эллик сайёҳларни олиб юрган таржимон йигит уни кўриб, хурсандчилик билан таништиради. "Бу менинг ўқитувчим, Асқар ота", дейди. Шунда сайёҳлардан бири ёқимли таралаётган қовун тароватидан сармаст бўлиб, унинг нималигини сўрайди. Асқар ота қишки қовун эканлигини айтади. Унинг таровати сайёҳларнида маҳлиё этганди.

Кейин фильм ўртасида қовуннинг тиликлаб сотилаётган жараёни кўрсатилади. Одамлар келиб, мазасини татиб, бободеҳқондан миннатдорлигини изҳор этади. Бу ҳам ўзбек халқининг анъанаси.

Учинчи лавҳада Асқар отанинг дўсти касал бўлиб қолади, иссиғи чиқиб уйида ётади. Хабарлашганда дўсти Асқар отага келмаслигини тайинлайди – «овора бўлманг», дейди. Аммо Асқар ота битта қовун кўтариб, дўстини кўришга боради. Кириши биланоқ дўсти қовун тароватидан чеҳраси ёришади. "Вой бунинг ҳидини", дейди. Шунда Асқар ота: "Кўраяпсанми, сен ҳид билаяпсан. Қани, таътиб кўр-чи", дейди. Дўсти татиб кўриб, қовуннинг таъми тилни ёришини айтади. "Демак, таъмни сезяпсан. Сен касал эмассан", дея дўстини оёққа турғазади. Мана шу саҳналар асосида фильм номи келиб чиқди. "Самарқандда қовун таровати". Умуман, Ўзбекистоннинг ҳар бир бурчагида етиштирилган қовунларнинг таровати ўзгача.

**- Суратга олиш жараёнлари ҳақида гапириб берсангиз...**

- Бу фильм маҳаллалар фаолияти, одамларнинг турмуш тарзи, кўп миллатли маҳаллаларнинг тотувлиги ҳақида. Воқеалар кекса ўқитувчи, маҳаллада ўз сўзига эга Асқар ота билан боғлиқ. Биз Амир Темур мақбараси атрофи, Бибихоним маҳаллаларида, Регистон, Тошкент кўчасида, Сиёб бозорида суратга олиш ишларини олиб бордик. Маҳаллада ўтаётган йиғилишнинг ўзида ўзбек, тожик, рус, яҳудий, лўли каби миллатларнинг тотувлигини кўрсатдик. Йиғилишда рус миллатига мансуб аёл ўзбек тилида гапиради.

Ургутнинг Қайнарбулоқ маҳалласида тўй саҳналарини тасвирга олдик. Бутун қишлоқ тўйига келди. Ушбу кадрда маҳалладаги ҳақиқий тўй жараёнини кўрсангиз бўлади. Ургут ҳавосининг тозалиги, табиатининг ўзига хослиги бизни мафтун этгани рост. Тўйда Ўзбекистон халқ артисти Насиба Абдуллаева "Ёр-Ёр" фильмидаги қўшиқни янгича талқинда ижро этади. Эски фильмдан шуни олдим. Жуда ажойиб ижро бўлди. Миллий удумларимиз ҳам ёддан чиқмади. Келин-куёвни кутиб олиш саҳналари ҳам киритилди. Маҳалладаги муаммолар ҳам фильмда кўрсатилди.

Қачон Самарқандга келсам, болалар саломини аямайди. Буни ҳам кинога қўшдим. Шу билан бирга Бахтиёр Ихтиёров учун ҳам битта образ яратдим. Бой одам ҳам яхшилигини, қўли очиқлигини, унинг ҳам ички кечинмалари борлигини актёр ажойиб талқин қилди. Чунки одамлар қачонки ўзига тўқ яшаса, жамият ҳам бой бўлади. Бу фильм 2021 йилнинг ҳужжати бўлади. Юз йилдан кейин ҳам томошабин мана, қанақа одамлар яшаганини, бир-бирини ҳурмат қилганини, урф-одатларимизни, керак бўлса, коронавирус билан курашаётган халқни, шундай вазиятда ҳам одамларнинг меҳр-оқибати кучли бўлганини кўради.

Мазкур фильм Самарқандда яшовчи Асқар ота ҳақида бўлиб, у ўзгаларга ёрдам берувчи меҳрибон инсон. Маҳаллада ҳам катта обрў қозонган. Кимда қандайдир муаммо бўлса, Асқар отага мурожаат қилади. Фильмда яна Тоҳир ва Зуҳра, Равшан ва Лола каби севишганларнинг тақдири кўрсатилади. Фильмнинг барча воқеалари Самарқандда бўлиб ўтади.

Фильм премьераси мустақиллигимизнинг 30 йиллиги байрами арафасида бўлиши режалаштирилган.

**Насиба ЖОНТЎРАЕВА.**



## Ҳамкасбларни ёд этиб

*Ушбу сурат 1976 йилда олинган. Унда Самарқанд матбуотининг забардаст журналистлари акс эттирилган.*

*Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Ғулом Алиев олган ушбу суратда Эркин Азаматов, Ибодулла Ўлмасов, Нормуҳаммад Сайфиддинов, Холмуҳаммад Нуруллаев, Адҳам Ҳайитов, Ўктам Ниёзов каби ўз даврининг фидойи мухбирлари тасвирланган.*

**Бугун таълим тизимида компьютерлар қатори мобил алоқа воситаларидан фойдаланиш имконияти пайдо бўлди. Кундалик ҳаётда мобил алоқа воситаларида турли ўйинлар билан машғул бўлган ёшларни кўплаб учратамиз. Статистика шуни кўрсатадики, дунё бўйлаб ўртача бир киши ҳар ой 25 дан ортиқ дастурдан фойдаланади. Лекин бу дастурларнинг 50 фоизи улар учун фойдали эмас.**

## Таълимда мобил иловалар – ўқитишнинг самарали воситаси

Шунинг учун дастурчилар ўқувчилар учун таълим олишни енгиллаштиришнинг энг яхши усулларини изламоқда. Бу эса ўз навбатида, ўқувчи-ёшларнинг мобил иловаларга бўлган қизиқишларидан таълим соҳасида самарали фойдаланиш имкониятини беради. Ҳозирги пайтда бошқа соҳаларда бўлгани каби таълим соҳаси учун мўлжалланган мобил иловалар яратилмоқда ва амалда қўлланилмоқда.

Жумладан, ўқитишда анимация ва симуляцияга асосланган мобил иловалардан фойдаланиш оммалашмоқда. Физикани ўқитишда фойдаланиш мумкин бўлган шундай мобил иловалардан бири "Мактабда физика" иловасидир. Ушбу илова мактаб физикаси курсининг деярли барча бўлимларини қамраб олган анимациялар ва симуляциялардан иборат. Ушбу мобил илова муаллифи чехиялик физика ўқитувчиси Владимир Вассак билан ҳамкорликда олиб борган ҳаракатларимиз натижасида бугунги кунда мобил иловадан ўзбек тилида фойдаланиш имконияти яратилди.

Мобил иловадан физикани ўқитишда тажриба сифатида ёки виртуал лаборатория машғулотларида фойдаланиш мумкин.

Бундай иловалардан фойдаланиш таълим муассасасини компьютер қурилмалари билан жиҳозлаш харажатларини камайтиришга сабаб бўлади. Чунки таълим олувчилар ўз қурилмаларидан фойдаланади ва билим олувчилар учун энг ривожланган давлатлардаги етакчи мутахассислар томонидан яратилган кўргазмали воситалари орқали таълим олиш имкониятини вужудга келтиради.

Яна бир муҳим жиҳат шундан иборатки, масофавий таълим олишда мобил иловалардан фойдаланиш тажрибалар ва виртуал лаборатория ишларини масофадан ўтказиш имкониятини яратади.

**Қурбонбой ХОЛИҚОВ, вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази кафедра мудири.**

«««« Янги китоблар »»»»

## Ҳазрат Навоий ғазалларига мухаммаслар




Ғазалнавис шоир Абдулла Нисорий «Сен туғилган тонг", "Хаёлим гулга бойланди" каби бир нечта китоблари билан шеърият мухлислари эътиборига тушган. Яқинда нашрдан чиққан "Ўзбегим бошида қалпоқ" номли тўпламда кейинги бир ярим йил давомида ҳазрат Навоий ғазалларига боғланган мухаммаслар ва арузнинг енгил баҳрларидаги ғазаллардан намуналар ўрин олган. Улар жўшқин, равон ҳамда гўзал ташбеҳларга бой бўлиб, барча ёшдаги китобхонларга мўлжалланган.

Шоирнинг пешма-пеш чоп этилган яна бир китоби "Чумоли ғилай экан", деб номланган. Ушбу тўплам ижодкорнинг яна бир қиррасини кашф этган дейиш мумкин. У аввалги ижод намуналаридан фарқли равишда ҳажвий ва юмористик шеърлардан сараланган. Шоир ҳаётда учраб турадиган айрим нуқсонлар ҳамда иллатларни гоҳ аччиқ, гоҳ самимий кулги воситасида қаламга олишни, китобхонда беғубор табассум уйғотишни ният қилади.

## "Парниқуш қўшиғи"




Ашурбек Пўлатовнинг бешинчи китоби шу номда нашрдан чиқди. Унгача ижодкор "Оҳулар тикилса", "Муҳаббат ва қасос", "Интизорлик", "Дунёларга сиғмаган юрак" номли китоблари билан адабиёт ихлосмандларига танилган эди.

"Парниқуш қўшиғи" тўпламидан ижодкорнинг тийран ҳаётий хулосаларидан иборат қисса ва ҳикоялари ўрин олган. Юртга муҳаббат, инсонийлик каби муқаддас тушунчалар ва аксинча, кишиларни тубанлик ботқоғига ғарқ қилувчи иллатлар "Юрт соғинчи", "Менинг отам", "Қарғиш теккан гул" каби ҳикояларида ҳаётий воқеалар ва бадиий бўёқларда, таъсирчан тасвирланган.

**Муҳайё АЛИЕВА, Самарқанд шаҳридаги 43-умумий ўрта таълим мактаби ўқитувчиси.**

«««« Ёз – 2021 »»»»

**Чунки ёшлигидан сузишни ўрганган бола организми ҳар томонлама ривожланади. Сув организмда қон айланишини яхшилайди, оксидланиш жараёнларини фаоллаштиради, тана, оёқ мускуллари, елка камарининг бир меъёрда ривожланишига, нафас олиш органларига яхши таъсир қилади.**

## Сузишни болаликдан ўрганган маъқул

Болаларни ёки биринчи маротаба сувга тушган катта ёшдагиларни сузишга ўргатиш жойининг чуқурлиги 60-90 сантиметргача (белдан то кўкрак қафасигача) бўлиши керак. Бундай чуқурликда одам сувдан чўчимайди, чунки оёғи таянч нуқтага эга бўлади. Очиқ сув ҳавфзаларида сузишга ўргатишда албатта, сувнинг чуқурлигидан ташқари, оқим тезлигининг дақиқасига 10 метрдан ошмаслигини ҳам ҳисобга олиш зарур.

Айрим ота-оналар куннинг иссиқ пайтидагина (соат 13:00-15:00) сузиш ёки чўмилишга рухсат беришади. Аслида эрталаб соат 10:00 дан 12:00 гача ва 17:00 дан 19:00 гача, қуёшнинг ультрабинафша нурлари кўп бўладиган вақтларда чўмилиш фойдали. Чўмилиш муддати 5 дақиқадан 25-30 дақиқагача давом этиши керак. Бунда боланинг ёши, сузишга тайёргарлиги, сувнинг ҳароратига эътибор бериб, сузиш муддати аста-секин оширилиб борилади. Ёзда катта ёшдаги болалар сув ҳарорати +18 даража бўлганда, кичик ёшлардагилар +20, +28 даражадан кам бўлмаганда, очиқ сув ҳавзаларида чўмилишлари мумкин. Агар сувнинг ҳарорати +16 даражадан паст бўлса, чўмилмаслик лозим. Сувга тушишдан олдин бош, кўкракни ҳўллаб сўнг шўнғиш мақсадга мувофиқ.

Ҳали сузишни билмайдиган болалар кўпинча мустақил равишда сувга тушишга ва оддий машқларни бажаришга қийналади. Болаларни сувнинг чуқурлиги белигача келадиган жойда юришга ва сакраб-сакраб, қўлларни ҳаракатлантириб, кўкрак қафасини чуқурликка кўниктириб бориш лозим.

Чўмилиш жараёнида бола ҳавзанинг чуқурроқ жойига борган сари бошини сув сатҳидан баланд кўтаради, чунки сувни ютиб юборишдан чўчийди. Бу ҳолатнинг олдини олиш учун болага чуқур нафас олиб, нафаси етгунча бошини сувга тиқиб туришини (кўзни юмиб ва очиб) оғиз-бурун орқали нафас чиқаришни ўргатиш керак. Сўнг болани қирғоққа чиқариб, чуқур нафас олдириб, сувга тик ҳолатда, оёқларини букмай сакратиш ва бир оз сув остида нафас олмай туришини таъминлаш лозим. Бу машқлар билан бола сувдан чўчимайдиган бўлади. Сувда нафас олмасдан туриш мусобақасини ҳам машқ сифатида бериш мумкин.

**Анвар ТУРДИҚУЛОВ, Алишер БОЗОРБОЕВ, вилоят фавқулодда вазиятлар бошқармаси ҳаёт фаолияти хавфсизлиги ўқув маркази ўқитувчилари.**




## Мустақиллик йиллари Самарқандда

**2009 йил, июль**

Ўтган олти ойда:
- саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми амалдаги нархларда 552 миллиард сўмни, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш 400 миллиард сўмни ташкил қилди;
- вилоятда саноатни ривожлантириш, ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва модернизация қилиш ҳамда янги корхоналар ташкил этиш дастури асосида 30 та янги корхона ишга туширилди ва 21 корхонада ишлаб чиқариш қувватлари кенгайтирилди. Бунинг эвазига 22,2 миллиард сўмлик инвестиция жалб этилди;
- хорижий инвестициялар ва кредитларни жалб этиш ҳудудий дастури асосида 28 та лойиҳа бўйича 9 миллион 639 минг АҚШ доллари миқдорида инвестиция ўзлаштирилди. Натижада 146,3 миллиард сўмлик қўшимча маҳсулотлар ишлаб чиқарилишига ва 9,8 миллион доллар миқдорида маҳсулот экспорт қилинишига эришилди;
- маҳаллийлаштириш дастури доирасида 27 та лойиҳа ўзлаштирилиб, 73,6 миллиард сўмлик лойиҳа ишлаб чиқилди. Натижада импорт ўрнини босиш самарадорлиги 8 миллион 394 минг АҚШ долларини ташкил этди;
- вилоят бўйича 107 минг гектар сувли, 49 минг гектар лалми майдонларга ғалла экилиб, 650 минг тонна ғалла ҳосили етиштирилди. Шунингдек, 129,6 минг тонна сабзавот, 151 минг тонна картошка, 50 минг тонна мева, 79 минг тонна гўшт, 343 минг тонна сут ва 199 миллион дона тухум тайёрланди.

**август**

Вилоятда ўтган даврда 399,5 миллиард сўмлик халқ истеъмоли маҳсулотлари ишлаб чиқарилди.

Вилоятда 65 та иссиқхона барпо этилиб, 409 та иш ўрни ва 43 та балиқчилик фермер хўжалиги тузилиб, 169 та иш ўрни яратилди.

25 август куни Регистон майдонида "Шарқ тароналари" еттинчи халқаро мусиқа фестивали бошланди. Унда 47 давлатдан 260 дан зиёд созанда ва хонандалар келди.

26 август куни Президент Ислом Каримов "Шарқ тароналари" еттинчи халқаро мусиқа фестивалида иштирок этиш учун Самарқандда бўлди ва шаҳарда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари билан танишиб, анжуман очилишида нутқ сўзлади.

**сентябрь**

Самарқанддаги "JV-MAN Auto-Uzbekistan" қўшма корхонасида "MAN" юк автомашиналари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Zarafshon
Самаркандский вестник

MUASSIS: «Zarafshon» va «Самаркандский вестник» gazetalari tahririyati mas'uliyati cheklangan jamiyati

Bosh muharrir: Farmon TOSHEV

Gazeta O'zbekiston matbuot va axborot agentligining Samarqand viloyat matbuot va axborot boshqarmasida 2012-yil 30-martda 09-01 raqam bilan ro'yxatga olingan.
Nashr 100. Indeks 438.
17 108 nusxada chop etildi. Buyurtma 443

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.



Hajmi 2 bosma taboq, bichimi A-2

QABULXONA: (66) 233-91-51, REKLAMA VA E'LONLAR: (66) 233-91-56
BO'LIMLAR: (66) 233-91-57, 233-91-58, 233-91-59, 233-91-61

MANZILIMIZ: 140100, Samarqand shahri, Ulug' Tursunov ko'chasi, 80-uy, Matbuot uyi.

Gazeta «Zarafshon» tahririyatining kompyuter bo'limida sahifalandi.
«Noshir lux» MCHJ bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uy.
Bosishga topshirish vaqti: soat 18:30 da. Bosishga topshirildi: soat 19:00

Navbatchi muharrir: A.SHERXOLOV.
Navbatchi: D.TO'XTAYEV.
Sahifalovchi: B.ABDULLAYEV.

Sotuvda narxi kelishilgan holda

ISSN-201667X